

Иқтисодий-хукукий газета

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиңа бошлаган

## ЯНГИ ХУЖЖАТЛАРНИ ТАКДИМ ЭТАМИЗ

Мазкур ва бошқа хужжатларнинг тўлиқ матни билан [www.norma.uz](http://www.norma.uz) сайтидаги эркин кириладиган «Қонунчиликдаги янгиликлар» руқнида танишиб чиқишингиз мумкин.

### «ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ»: ЮШМА ТУЗИЛМАСИ ИСЛОҲОТИГА ДОИР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 141-сон қарори билан «Ўзулгуржисавдоинвест» ултуржи савдо корхоналари уюшмасининг тузилмаси ислоҳ килиниши муносабати билан Ўзбекистон ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилди.

Эслатиб ўтамиз, Президентнинг 2011 йил 30 мартағи ПҚ-1514-сон қарори<sup>1</sup> билан молмулк ва активлари давлат мулки кўмитаси хузуридаги «Мулк-Инвест» ДУК балансида бўлган ултуржи ташкилотларни Юшма таркибига ўтказиш қарори қабул қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 27 мартағи 52-сон қарорига<sup>2</sup> киритилган ўзгартиришларга мувофиқ Адлия вазирлигига Ултуржи савдо корхоналари уюшмасига кирувчи худудий (вилоят, вилоятларро ва туманларро) базаларни рўйхатдан ўтказиш замда уларга қонун хужжатлари талабларига ишем ќилиши ҳисобга олган ҳолда истеъмол товарлари ултуржи савдосини амалга оширишга лицензиялар бериш топширилди.

Шунингдек Юшма тузилмасининг ўзгариши билан бошқа хужжатларни ташкилотларни кўшишмалар ҳам киритилган.

### ЕР ОЛИШ УЧУН КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир кўшишма чора-тадбирлар тўғрисида» 147-сон қарори («СБХ»нинг 2011 йил 9 июндаги 24 (880)-сонидаги этилган) билан белгиланишича, танловга ер участкалари:

захира ерлар ва фойдаланилмаётган ерлар;

илгари ишлаб чиқариш обьектлари куриш учун ажратилган ва иморатлар бузилиши ҳисобига бўшаб қолган ерлар;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари мувофиқ мавжуд иморатлар тифизлаштирилиши;

қишлоқ ҳўжалигидан бошқа мақсадлардаги ёки қишлоқ ҳўжалиги учун яроқли бўлмаган ерлар ёхуд ёмон сифатли қишлоқ ҳўжалиги экин ерлари, шунингдек ўрмон фондининг ўрмон билан қопланмаган ерлари ёки бутазорлар ва кам қимматли ўсимликлар билан қопланган майдонлари ҳисобига кўйилади.

Хужжат билан Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида доимий фойдаланиш учун ва узок муддатли изярага ер участкалари бериш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

**Мазкур тартиб 2011 йил 1 сентябрдан кучга киради.**

### УШЛАНГАН ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ҚАНДАЙ САҚЛАНАДИ?

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Қонун хужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 149-сон қарори билан белгиланган тартибига кўра, ваколатли давлат органлари томонидан ушланган транспорт воситаларини сақлаш минтақавий ҳокимият органлари томонидан танлаб олинган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Мазкур ташкилотлар давлат органнинг хабари (мурожаати) асосида қонун хужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш жойига олиб келишини (ташишини) таъминлайдилар. Молия вазирлиги билан келишган ҳолда Қораллоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ушбу хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорлари белгиланади.

Хужжат билан:

**Қонун хужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низом;**

**Қонун хужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом;**

**Қонун хужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини сақлаш хизматлари кўрсатувчи юридик шахслар тартиби тўғрисидаги низом;**

**Мазкур тартиб 2011 йил 1 сентябрдан кучга киради.**

### «ҚИШЛОҚҚУРИЛИШБАНК» УЧУН ҚЎШИМЧА АКТИВЛАР

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой курилишини молиялаштиришнинг ресурс базасини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 151-сон қарори билан Молия вазирлиги хузуридаги Ипотека кредити



Қонунчиликдаги янгиликлар

### ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ЭНДИ ҲОЖАТ ЙЎҚ

«Хорижий расмий хужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида»ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган бўлиб, Қонун мамлакатимиз Президенти имзолаганидан сўнг кучга кирди.

Мамлакатимиз кўшилган мазкур Конвенция хорижий расмий хужжатларни дипломатик ёки консуллик йўли билан легаллаштириш талабини бекор қилиш имкониятини беради. Эндиликда бу таҳлил легаллаштириш ўрнига расмий хужжатнинг юридик кучини тан олишнинг соддалаштирилган тартиби кўлланимокда, бу эса юридик ва жисмоний шахсларга кўшимча куляйликлар яратиб беради – бунда уларнинг Ўзбекистон Республикасида қўйилган апостили (стандарт сертификат) хужжатни кўрсатиб кўя қолишлари кифоядир.

Ўзбекистон ушбу Конвенцияга кўшилгунга қадар хужжатни легаллаштириш учун 4 босқичдан ўтишга тўғри келарди. Жисмоний ёки юридик шахс дастлаб хужжатнотариал тартибида тасдиқлатишлари ва шундан кейингина уни нотариуснинг имзоси ҳақиқий эканлигини шаҳодатлаш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этишлари жоиз эди. Адлия вазирлигига тасдиқлатилган хужжат ана шу Вазирликнинг масъул шахси имзосини гувоҳлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Ташки ишлар вазирлигига тақдим этиларди. Кўриниб турибди, бу узок давом этадиган ва анча мураккаб тартиб-таомил бўлиб, кўп вақтни оларди.

Эндиликда мазкур Конвенцияга Ўзбекистон Республикаси кўшилганлиги муносабати билан жисмоний ёки юридик шахс ваколатли органда (Ўзбекистон Республикасининг Адлия, Ташки ишлар вазирликлари) апостиль кўйдиришларининг ўзи етарлидир. Бошқача қилиб айтганда, хужжатни апостиль ёрдамида легаллаштириш тартиби амалиётга киритилмоқда. Шу зайл хорижий расмий хужжатларни легаллаштиришда бюрократик расмиятиллар бартараф этилмоқда.

Бундан ташқари, легаллаштириш мазкур хужжат тақдим этиладиган мамлакатнинг дипломатик ёки консуллик агентлари фойдаланадиган тартиб-таомилларни назарда тутган бўлса, Конвенция бу тартиб-таомилларни истисно этади. Амалиётда апостиль кўйдириш моҳият-этибиори билан хужжатлардаги имзоларнинг ҳақиқийлигини белгилаш ва шаҳодатлаш хисобланади. Консул ўз давлати расмий хужжатларининг консул бўлиб турган давлат қонунларига мувофиқлигини аниқлаб бера олмайди.

Шундан қилиб, Ўзбекистонда ёки бошқа давлатда апостиль кўйиш йўли билан гувоҳлантирилган хужжатларни бирон-бир йўсунда қўшимча легаллаштиришга ҳожат йўқ, бинобарин улар Гаага конвенцияси иштирокчisi бўлмиш давлатларда тан олиниши шарт.

Мабодо 100 га яқин давлат Конвенция иштирокчisi эканлиги инобатга олинса, мазкур

2-бетда

3-бетда

### 5 КУН ЕТАДИ

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштируви Республика Кенгашининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 23 майда 1712-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Назорат қилувчи органлар томонидан якка тартиб

2-бетда

3-бетда

# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

**1-бетда**  
даги тадбиркорлар фаолиятини текширишларни ташкиллаштириш тартиби түгрисидаги низомга Президентнинг 2011 йил 4 апрелдаги ПФ-4296-сон Фармонига<sup>3</sup> мувофиқ ўзгариши киритилди. Белгиланишича, якка тартибдаги тадбиркорларнинг молиявий ва товар ҳужжатларини узоқроқ вақт давомида, бирок 5 иш кунидан ошмаган муддатда, текшириш ўтказиш учун камерал назорат натижасида аниқланган солик қонунчилиги бузилиши ҳолатлари асос бўлиши керак. Ҳужжат кўчирмада чоп этилган.

**2011 йил 2 июндан кучга кирди.**

## КРЕДИТ ЮШМАСИ ФАОЛИЯТИГА ЯНГИ ТЕХНИК ТАЛАБЛАР

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 25 майда 2084-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Кредит юшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби түгрисидаги низомга ўзгариши киритилди. Унга биноан кредит юшмасида ахборот тизимларининг ўзаро ишланиши ва алмашинувини таъминлаш мақсадида қўйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

банк телекоммуникация тармоғига уланиш учун модем алоқаси;

кредит юшмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва уларга лицензия бериш тартиби түгрисидаги низомга ўзгариши киритилди. Унга биноан кредит юшмасида ахборот тизимларининг ўзаро ишланиши ва алмашинувини таъминлаш мақсадида қўйидагилар мавжуд бўлиши лозим:

банк телекоммуникация тармоғига уланиш учун модем алоқаси;

кредит юшмаси биноси ва банк телекоммуникация тармоғининг жиҳозлари ўрнатилган автоматик телефон станцияси билан алоҳида сифатли алоқа линияси;

кафолатланган электр таъминоти (220 В);

кунлик бухгалтерия хисоби юритилишини таъминловчи дастурий таъминот;

микрокредит ташкилоти фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар.

**2011 йил 4 июндан кучга кирди.**

## МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИНИНГ КРЕДИТ СИЁСАТИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 25 майда 2230-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом тасдиқланди. Банклардан банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом тасдиқланди. Банклардан банк таваккалчиликларини бошқаришида қўйидагилар талаб этилади:

банк таваккалчилик тармоғига уланиш учун модем алоқаси;

микрокредит ташкилоти биноси ва банк телекоммуникация тармоғининг жиҳозлари ўрнатилган автоматик телефон станцияси билан алоҳида сифатли алоқа линияси;

кафолатланган электр таъминоти (220 В);

кунлик бухгалтерия хисоби юритилишини таъминловчи дастурий таъминот;

микрокредит ташкилоти фаолиятини ташкил этиш учун зарур бўлган бошқа техник воситалар.

**2011 йил 4 июндан кучга кирди.**

## ТАВАККАЛЧИЛИК БИЛАН МУТАХАССИСЛАР ШУҒУЛАНАДИ

Марказий банк бошқарувининг қарори (АВ томонидан 2011 йил 25 майда 2229-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Тикорат банкларининг банк таваккалчиликларини бошқаришига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низом тасдиқланди. Банклардан банк таваккалчиликларини бошқаришида қўйидагилар талаб этилади:

банк фаолияти ва унинг атрофидаги мухитнинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олуви, аниқ ифодаланган ва ҳужжатлаштирилган таваккалчиликларни бошқариши сиёсатини ишлаб чиқиш;

банк таваккалчилигини бошқариш вазифалари юкландиган таркибий бўлинмани ташкил этиш;

банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмасини тажрибали ва малакали мутахассислар билан таъминлаш;

банк янги хизматларни жорий қилишда, йирик битимларни тузишда, хорижий молия институтлари билан алоқа ўрнатишида, инвестициялар киритишда, чет эл валотасидаги маблағларни активларга жойлаштиришида, янги ходимларни ишга қабул қилишда хамда бошқа банк таваккалчилиги юзага келиши ва уни бартараф этиш, оддини олиш, камайтириш нуқтаи назаридан банк таваккалчилигини бошқариш бўлинмаси билан келишувни амалга ошириш.

Бундан ташқари, ҳужжатда янги ташкил этилаётган банк таваккалчилигини бош-

**Меърий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қисқача шарҳлари 2011 йил 14 майдан 27 майгача бўлган давр учун «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 20-21-сони асосида тайёрланди.**

### ✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Легаллаштириша энди ҳожат йўқ
- Валюталар курси

### ✓ ҚОНУН ИЖОДКОЛЛАРИНИНГ ЭЗТИБОРИГА

- Баён қилишдан - амалга оширишга

### ✓ БЕВОСИТА МУЛОКОТ

- ДСИдан жавоб кутинг
- Далолатномасиз текшириш бўлмайди

### ✓ 2011 ЙИЛ – КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

- Фирма номларининг электрон захираси ишга тушди
- Ризлторларга атаган янги қоидалар

### ✓ ҲУЖАЛИК ҲУҚУҚИ

- Газначилик қарши бўлса
- Қачонгача бўлиб-бўлиб тўлаш мумкин?
- Муассислар таркибига учинчи шахс киритилганда...
- Яроқлилик муддати кўрсатилмаган маълумотнома

### ✓ СҮНГСЎЗ ҮРНИДА

- Коидани бузиш билан котиллик ораси - бир қадам
- Вояга етмаган шахс: ҳукуқбузарликлар олдини олиб...

### ✓ top

### 1-2-бетлар

### 3-бет

### 4-бет

### 5-бет

### 6-бет

### 7-бет

### 8-бет

## Қонунчиликдаги янгиликлар

### ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ЭНДИ ҲОЖАТ ЙЎҚ

халқаро ҳужжатга қўшилиш анашу мамлакатлар ўртасида ҳужжатлар айланиси одий расмийчиликка риоя этиш, яъни апостиль қўйдириш йўли билан амалга оширилишини англатади.

Мамлакатимиз кўшилган ушбу Конвенция муайян расмий ҳужжатларга татбиқ этилади. Бундай ҳужжатлар сирасига давлат юрисдикцияси бўйсунуидаги орган ёки мансабдор шахсадан, шу жумладан прокуратурадан, суд котиби ёки суд ижроисидан чиқаётган ҳужжатлар, маъмурӣ ҳужжатлар, нотариал ҳужжатлар, виза рўйхатга олинганилиги ҳақидаги, расмий санани тасдиқловчи, муайян ҳужжатдаги, нотариусда шаҳодатлантирилмаган имзани тасдиқлаш ҳақидаги расмий белгидар киради.

Хорижий элемент иштирокидаги бирон-бир ишга оид, мазкур Конвенция иштирокчиси бўлган давлатлардан бирининг суди томонидан чиқарилган суд қарорини олайлик. Мазкур қарор бошқа давлатларда юридик жиҳатдан тан олиниши учун турли ваколатли органларга сўровлар юбориш талаб этилади, бу тартиб-таомил апостиль қўйилган-лигининг ўзи билан чекланади.

Мазкур Конвенция амал қиладиган ҳужжатлар рўйхатида никоҳ тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, туғиллангич тўғрисидаги гувоҳнома нусхалари, паспорт нусхалари, ҳайдовчилик гувоҳномаси нусхалари ва бошқалар бор.

Конвенция дипломатик ёки консуллик агентлари тузган ҳужжатларга, тижорат ёки бохона операцияларига бевосита тааллуқли бўлган маъмурӣ ҳужжатларга татбиқ этилади.

Шу билан бирга, апостиль қўйиш ваколарини бир неча органга топшириш (Конвенциянинг 6-моддаси) апостили расмийлаштириш амалиёти бирхиллигига путур етказиши мумкин. Бундай органлар ҳаракатларини мувофиқлаштириб бориш ҳар бир давлатнинг ички иши бўлиб, уни апостиль қўйиш бўйича тегишили норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ваколатли органлар қабул қилиши йўли билан амалга ошириш мумкин. Ўзбекистон Республикасининг қарор топган халқаро-шартномавий амалиётида халқаро шартномалар ижроси қандай бораётганилиги устидан Олий Мажлис мониторинг олиб боради.

Шу зайл «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг кўшилиши тўғрисида»ги Конун мамлакатимиз қонунчилик тизимини ривожлантиришга, ҳужжатларни легаллаштиришни тезлазитиши ва соддалаштиришга, оқибатда эса хорижий ҳужжатларни легаллаштиришни расмийлаштиришнинг сармарали механизмларини жорий этишга ёрдам беради.

**Дмитрий ОГАЙ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторинги  
институтининг гурух раҳбари, юридик  
фанлар номзоди.**

«Народное слово» газетасининг 2011 йил 12 майдаги 93 (5230)-сонидан.



### 1-бетда

кариш бўлинмасининг вазифалари ҳамда унинг ходимларига қўйиладиган талаблар белгиланган.

**2011 йил 4 июндан кучга кирди.**

## ОЛДИНГИЗДА НОТАРИУС БЎЛМАСА

Аддия вазирининг бўйрги (АВ томонидан 2011 йил 25 майда 2231-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги ўйриқнома тасдиқланди. Куйидагилар нотариал тасдиқланган васиятномалар ва ишончномаларга тенглаштирилади:

госпиталларда, санаторийларда ва бошқа ҳарбий-даволаш муассасаларида даволанаётган ҳарбий хизматчиларнинг ҳамда бошқа шахсларнинг шу муассасаларнинг бошликлари, уларнинг тиббий қисм бўйича ўринбосарлари, катта ва навбатчи шифокорлари томонидан тасдиқланган ишончномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

ҳарбий хизматчиларнинг, ҳарбий қисмлар жойлашган, нотариуслар бўлмаган пунктларда эса, шу қисмларда ишловчи ҳарбий хизматчи бўлмаган шахсларнинг, улар оила аъзоларининг ҳамда ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ҳарбий қисмларнинг командирлари томонидан тасдиқланган васиятномалари, автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно;

касалхоналарда, госпиталларда, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар ўйларида яшёйтган фуқароларнинг ушбу муассасаларнинг бош шифокорлари, уларнинг тиббий бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи шифокорлари, шунингдек госпиталларни бошликлари, қариялар ва ногиронлар ўйларининг директорлари ва бош шифокорлари томонидан тасдиқланган васиятномалари;

қидибув экспедицияларида ёки шунга ўхшаш бошқа экспедицияларда бўлган фуқароларнинг шу экспедициялар бошликлари томонидан тасдиқланган васиятномалари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шахсларнинг васиятномалари ва ишончномаларни таъминлаштиришни расмийлаштиришнинг сармарали механизмларини жорий этишга ёрдам беради.

Ҳужжат васиятномаларни ишончномаларни тасдиқлашнинг умумий тартибини, шунингдек юқорида кўрсатилган шахслар томонидан мазкур нотариал ҳаракатлар содир этилишидаги баъзи хусусиятларни назарда туади. Шунингдек Ўйриқномага васиятнома ва ишончномаларнинг бир катор намунаий шакллари илова қилинган.

**2011 йил 4 июндан кучга кирди.**

## Конун ижодкорларининг эътиборига

Ҳозирги вақтда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг янги таҳрири лойиҳаси устидан иш олиб бориляпти, унинг асосий йўналишлари Президент И.А.Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги кўшма мажлисида тақдим этган Мамлакатда демократик ислоҳотларни янада чуқурлашириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириша концепцияси билан белгиланган.

1996 йилдан амал қилаётган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конунга (бундан кейин – Конун) 17 марта ўзгариши ва қўшимчалар киритилди. Бу ҳол қонун ижодкорларини Конунни қўллаш жараёнида юзага келадиган саволларга жавоб беришга мажбур қиласидан корпоратив муносабатларнинг жўшқинлик билан ривожланадиганлигидан далолат беради. Унинг янги таҳрири корпоратив бошқариш ва назорат қилиш органларининг ваколатлари, хукуқлари ва масъулиятини янада аниқ қилиб белгилаш, уларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш; миноритар акциядорларга бериладиган кафолатларнинг кўпайишини таъминлаш; акциядорлар ва бўлгуси инвесторларнинг АЖ фаолияти тўғрисида ги ахборотдан кенгроқ фойдалана олишига қаратилган.

Бироқ унда Конун меъёрларини амалда жорий қилиш механизmlari ҳам кўрсатилишини хоҳлардик, зеро уларсиз ушбу меъёрлар хайрли бўлса-да, қоғозда қолиб кетиши мумкин. Хусусан, корпоратив муносабатлар субъектларига муайян хукуқлар берадиган меъёрларни амалга ошириш механизmlari тўғрисида сўз боряпти.

Амалдаги Конунда уларнинг ифодаловчилари бўлиб хукуқларнинг турлича дарражасини тақдим этадиган акциялар пакетларининг соҳиблари, бошқарув ва назорат қилиш органлари ҳамда жамиятнинг ўзи кўрсатилган. Қўйидаги мақоланинг муаллифи Конун акциядорлар ва кузатув кенгашига тақдим этадиган айрим хукуқларни амалда рўёбга чиқариш муаммоларини кўриб чиқади ҳамда янги қонун лойиҳасида уларни ҳал қилишининг ўз ўйларини таклиф қилиди.

# БАЁН ҚИЛИШДАН – АМАЛГА ОШИРИШГА

## КОРПОРАТИВ АМАЛИЁТНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ ТЎҒРИСИДА

### НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИГИЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАМАН

Акциядорнинг акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакириш ҳукуқи (Конуннинг 72-моддаси).

Акциядор уставнинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларига зид ёки унинг хукуқларини камситади деб ҳисоблади ёхуд у баланснинг ва (ёки) қилинган иш тўғрисида ижроия органи ҳисботининг расмий маълумотларига кўшилмайди. Айни шу сабабли умумий йигилишига уставга ўзгаришлар киритиш ва (ёки) ташабbusli аудит тказишни тавсия этишига қарор қилди. Бунинг учун у акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакиришинга ҳолдайди, чунки кузатув кенгаши унинг талабини рад этди ёки эътиборга олмади. Конуннинг 71-моддасига кўра бундай ҳолда у мустақил равишда:

умумий йигилиш ўтказилиши сана, вақт ва жойни;

умумий йигилиш ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ҳамда уни ўтказиш учун жамият акциядорлари реестри тузиладиган санани белгилashi керак.

Шундан кейин у акциядорлар реестрини олиши лозим. Бу шу билан боғлиқи, акциядорнинг умумий йигилишда иштирок этиш ҳукуқи, унинг дивидендлар олиши ва қонун ҳужжатларидан назарда тутилган бошқа хукуқларини амалга ошириши Конуннинг 47-моддаси акциядорлар реестрида рўйхатдан ўтказишига қатъиян боғлиқ қилиб қўяди. Реестрнинг ўзини шакллантириш эса, Конуннинг 49-моддасига кўра, акциядорлик жамиятининг ёки қимматли қофозлар бозорини тартибга солиши бўйича ваколатли давлат органининг топшириги асосида унда белгиланган санада Марказий депозитарий томонидан амалга оширилади.

Акциядор ижроия органидан реестрини шакллантириш топширигини беришни сўрайди, чунки унинг ўзи бундай хукуқка эга эмас. Мазкур орган эса кузатув кенгашининг (яъни мажоритар акциядорларнинг) кўрсатмасини бажариб, ушбу илтимосни эътиборга олмайди ва депозитарийга йигилиш ўтказиш учун реестр тайёрлаш топширигини бермайди. Натижада акциядор, одатда, миноритарий Конунда ўлон қилинган навбатдан ташқари умумий йигилиш ўтказиш ҳукуқини амалга ошира олмайди.

Бироқ ёзишма ва исботлашга кетган муайян вақтдан кейин акциядор қимматли қофозлар бозорини тартибга солиши бўйича ваколатли давлат органини ўзининг ҳақлигига ишонтиради ва мазкур орган депозитарийга акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш учун реестрини шакллантириши топширади дейли.

Акциядор кун тартибига уставга ўзгаришлар киритиш ва (ёки) ташабbusli аудит ўтказиш масалаларини киритди.

Йигилиш ўтказилди, бироқ унинг қарорлари расман қонуний ҳисобланмайди, чунки, Конуннинг 66-моддасига кўра, акциядорларнинг умумий йигилиши ушбу масалалар бўйича қарорни, агар жамият уставида бошқа

нарса белгиланмаган бўлса, факат АЖ кузатув кенгашининг тақлифига кўра, қабул қилади. Уставда эса, одатда, бошқача қоиди њеч қачон белгиланмайди.

Бунинг оқибатида хукуқ баён қилинган бўлса-да, бироқ уни рўёбга чиқаришнинг имкони бўлмайди.

### ТЕКШИРМАЙ ИШОННАВЕРИНГ

Эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида акциядорнинг тўлиқ ва тўғри ахборот олиш ҳукуқи (Конуннинг 27-моддаси).


Акциядор маълумотларнинг хаққонийлигидан шубҳаланиб, ижроия органининг ҳисботига ва уни тасдиқлаган аудиторлик ташкилотининг хуласасига кўшилмайди. Агар овоз берувчи акцияларнинг 10%идан кўпроғи унда бўлса, у ички аудит кучлари билан кўшимча текшириш ёки тафтиш комиссияси томонидан тафтиш ўтказишига ҳақлидир. Бироқ ички аудит хизмати кузатув кенгашига ҳисбот беради, тафтиш комиссияси акциядорларнинг кўпчилик овози билан сайланган. Ташабbusli аудиторлик текширувни ўтказишига уриниб кўриш мумкин, бироқ «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуннинг 11-моддасига биноан у хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа аудиторлик текшируви буюртмачиларининг қарорига биноан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўтказилиши мумкин. У эса аудитни тайинлаш ва аудиторлик ташкилотини акциядорларнинг умумий йигилишида тасдиқлашдан ўзгача ўтказиш тартибини назарда тутилди.

Натижада биз акциядорнинг Конуннинг 27-моддасида назарда тутилган, жамият молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ҳаққоний ахборот олишга доир яна бир баён қилинган, бироқ уни амалга оширишнинг реал механизми билан таъминланмаган яна бир ҳукуқига тўқнаш келамиз.

### БЛОКИРОВКАЛАНГАН ИМТИЁЗЛАР

Акция эгаларига дивидендларни биринчи навбатда олиш ҳукуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳукуқини беради (Конуннинг 24-моддаси).

Имтиёзли акцияларнинг ўзига хос жиҳатлари шундан иборатки, овоз беришдан боштортиш ҳар йили кафолатланган (эҳтимол, оширилган миқдорда) дивиденд тўлаш ва тугатиш чоғидаги тугатиш қийматини олишида афзаллик берилши билан компенсацияланади. Бироқ жамиятнинг имтиёзли акциялар эгалари билан мажбурий ҳукуқий муносабатларини тартибга соладиган амалдаги Конуннинг моддалари: уставда дивиденд миқдори ва тугатиш қийматини кўрсатмаслик; дивиденд тўланиши тўғрисида ўлон қиласлик ёки тўлиқ бўлмаган тўлов тўғрисида ўлон қилиш каби хатти-ҳаракатларни амалга оширишга йўл қўяди, яъни имтиёзли акцияларни қўллаш табиати ва мақсадига путур етказади.



Амалиётда бу шуни англатадики, имтиёзли акциялар эгаси бўлган акциядорларнинг дивидендлар тўлаш ва овоз бериш ҳукукини тақдим этиш бўйича манфаатларига, улар тўланмаган тақдирда, њеч қандай оқибатлариз ва зарар қопланмай оддий акциялар эгалари фойдасига путур етказилиши мумкин.

Конунга кўра, дивиденд миқдори белгиланмаган имтиёзли акцияларнинг эгалари уларни оддий акцияларнинг эгалари билан бир қаторда олиш ҳукуқига эгадир. Яъни жамиятнинг (бунда мажоритар акциядорлар назарда тутилмоқда) уставга имтиёзли акциялар бўйича дивиденд миқдори тўғрисидаги қоидани киритмай, дивидендни оддий акциялар бўйича тўланганидек тўлаши ҳамда бу билан имтиёзли акциялар эгаси бўлган акциядорнинг овоз бериш ҳукуқидан маҳрум қилиши етарлидир.

АЖ уставида имтиёзли акциялар бўйича тўланмаган ёки тўлиқ тўланмаган, миқдори уставда белгиланмаган дивиденд жамарилди ва кейинроқ тўланади (кумулятив имтиёзли акциялар) деб белгилаб қўилиши мумкин. Бироқ бунда Конуннинг 58-моддасида назарда тутилган, оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлашни кечикириш чоғидаги инфляцион омил ҳисобга олинмайди. Натижада кумўлятив акциялар бўйича дивидендлар тўлашни кечикириш чоғидаги зарарлар овоз бериш ҳукуқ мавжуд бўлмаганда компенсацияланмайди.

Бу ҳолда ҳам имтиёзли акциялар эгаларига берилган кафолатлар йўқа чиқади.

### ҲИМОЯ ҚИЛМАГАНГА ЯРАША, КОМПЕНСАЦИЯЛАНГ

Қонун акцияларни йириклиширишга йўл қўяди, бунинг натижасида жамиятнинг 2 ёки ундан ортиқ акцияси худди шу турдаги битта янги акцияга айрбошланади (Конуннинг 43-моддаси).

Амалиётда акцияларни йириклиширишга эришиб бўлмайди – қўйидаги саволларга жавоб олмагунча ҳимматли қофозлар бозорининг регулятори бундай қилишга йўл қўймайди: йириклишириш чоғидаги бўлинган акциялар ҳосил бўладиган ёки акциядор бўлиб қолиш учун уларни камида битта яхлит акцияга айрбошланадиган тафтиш ҳукуқларини камситилмаятими; агар камситилаётган бўлса, ушбу ҳукуқларни қандай ҳимоя қилиш керак.

Германия, Буюк Британия, Япония, АҚШ, Россиянинг қонун ҳужжатлари акциядорлар барча гурухларининг тенг ҳимоясини мустаҳкамлаб, озчиликнинг манфаатларини кўпчиликнинг фойдасига чеклашга йўл қўяди, бунда уни мутаносиб пул тўлови билан компенсацияланади. Бизнинг Конунда жамиятнинг акциядор ҳукуқларини жамоа манфаати фойдасига чеклашни компенсациялаш мажбурияти билан бир вақтда ўшаш йўл қўишилар мавжуд. Хусусан, 44-моддада белгиланишича: акциядорларнинг умумий йигилиши жамият томонидан акциядор рози бўлмаган йирик битим тузилиши тўғрисида қарор қабул қилганида, уставга унинг ҳукуқларини чеклайдиган ўзгаришлар киритиш мумкин.

Бироқ, фикримизча, йириклиширишнинг аниқ тартибини меъёрий жиҳатдан белгилаб, айни вақтда акциядорларга яхлит акцияга айрбошланадиган акцияларни (бўлинган акциялар) ва йириклиширишга рози бўлмаган акциядорлардан акцияларни мустаҳкил баҳоловчи белгилаган бозор баҳоси бўйича сотиб олиш мажбуриятини зиммасига юклаш (Конуннинг 44-моддасига ўхшатиб) зарур.

**Овоз берувчи акцияларнинг эгаси бўлган акциядорлар жамият уставига уларнинг ҳукуқларини чеклайдиган ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилганда ўзларига қарашли акцияларнинг ҳаммаси ёки муайян қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.**

Жамият устав фондини кўпайтириш ва уставга тегишили ўзгаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилди.

АЖ овоз берувчи акцияларнинг 1%ига эга бўлган акциядор акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши кун тартибига масалалар киритиш ҳамда жамиятнинг кузатув кенгаси ва тафтиш комиссиясига номзодлар кўрсатиш (Конуннинг 70-моддаси), шунингдек жамиятга етказилган заарларни коплаш тўғрисида бошқарув органларини аъзолар устидан даъво билан судга мурожаат қилиш (Конуннинг 88-моддаси) ҳукуқига эга эди. АЖ овоз берувчи акцияларнинг 10%ига эгалик қўилувчи бошқа акциядор акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чақириш (Конуннинг 72-моддаси) ва жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш таъбуси билан чиқиш ҳукуқига эга эди.

Устав фондини кўпайтиши ва тегишили ўзгаришлар киритилиши туфайли биринчи акциядорда акцияларнинг сони 1%дан камроқ бўлди, иккинчисида жамият овоз берувчи акциялари 10%дан камайди. Ушбу қарор уларнинг ҳукуқларини чекладими ва улар акцияларнинг сотиб олинишини талаб қила оладиларми? Конун ушбу саволга жавоб бермайди.

### ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИННИНГ ҲУКУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

1. Конуннинг 21 ва 82-моддалари жамиятнинг кузатув кенгашига акцияларнинг номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлашириш йўли билан устав фондини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳукуқини беради. Бироқ биринчи ҳолда у уставга устав фондини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгаришлар киритиш ҳукуқига эга, иккичи ҳолда эса унда бундай ҳукуқ мавжуд эмас. Бунинг оқибатида кузатув кенгашининг устав фондини кўпайтиши акцияларни





## ФАЗНАЧИЛИК ҚАРШИ БЎЛСА

